

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12. 2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

РУЗМЕТОВА НОВВАЛЬ ВАХАБДЖАНОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ЎЗБЕК
ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical Sciences**

Рузметова Новваль Вахабджановна

Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ўзбек халқ анъаналари асосида
ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш..... 3

Рузметова Новваль Вахабджановна

Развитие социокультурной компетенции в подготовке студентов к
профессиональной деятельности на основе традиций узбекского народа
..... 23

Ruzmetova Novval Vahabdjanoyna

Development of sociocultural competence in preparing students to professional
activity on the traditions of Uzbek people..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12. 2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

РУЗМЕТОВА НОВВАЛЬ ВАХАБДЖАНОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ЎЗБЕК
ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2. PhD/Ped1707 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://iirpo.uz>) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипова Дилара Джуманиязовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Қуронов Муҳаммаджон Қуронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий
котиби, п.ф.н., профессор

Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида халқларнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, бўлажак мутахассисларни тайёрлашда уларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш орқали ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш муаммоси глобал аҳамиятга эга бўлмоқда. Хозирда илғор халқаро марказлар томонидан (DeSeCo, TUNING, IEA, Education for sustainable development, Eurydice, TALIS) бўлажак мутахассиснинг ижтимоий-маданий компетенцияси касбий компетентликнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этиб келинмоқда. DeSeCo лойиҳасига кўра, “ижтимоий-маданий компетенция жамият ҳаёти, муваффақиятли касбий фаолият ва бошқа инсонлар билан самарали мулоқот ўрнатиш учун ўта муҳим восита ҳисобланади”¹.

Дунё миқёсида, таълим, жумладан, олий таълимда амалга оширилаётган илмий изланишларда ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган 2030 йилгача бўлган халқаро таълим концепциясида “таянч компетенцияларга (key competences) эга бўлиш: глобал муаммоларни ва адолат, тенглик, қадр-қиммат ва ҳурмат каби умумий инсоний қадриятларни чуқур англаш”²га алоҳида эътибор қаратилган. Бунда, бўлажак мутахассислардан юксак касбий салоҳият ва ватанпарварлик, зиёилик, ижтимоий етуклик, ижодкорлик каби инсоний сифатларга эга бўлиш талаб этилади. Ватанга муҳаббат, нафақат ўз эҳтиёжларини, балки жамият эҳтиёжларини қондириш учун ишлашга интилиш каби шахсий ва ижтимоий фазилатларини шакллантиришни таъминлайди. Бўлажак мутахассисларда ижтимоий маданий компетенцияни ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш, таълим методларини ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантириш усуллари билан уйғунлигини таъминлаш бўйича илмий жиҳатдан асосланган таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бу “миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшлар онгига етказиш, этник маданий анъаналарни сақлаб қолиш”³, “мамлакат аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида, олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, жамиятда соғлом дунёқарашни ва ижодий фикрлашни шакллантириш, уни “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” ғоясини кенг оммалаштириш орқали меҳр ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган

¹OECD: Key competencies for 2030 (DeSeCo Project 2.0) 9-10 November 2016, Beijing, China // <https://www.oecd.org/education/skills-beyond-school/definitionandselectionofcompetenciesdeseco.htm>

² Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea)// <https://gcedclearinghouse.org/sites/default/files/resources/245656r.pdf>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон республикаси миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси” 2018 йил, 28 ноябрт № ПҚ-4038// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил, 3 декабрь., N 48, м. 921.

ҳолда, миллий ҳаракатга айлантириш”¹ ҳисобланади. Бунга эришишнинг муҳим шарти, таълим мазмунига ўзбек халқи миллий анъаналари ва кадриятларини сингдириш, талабаларда ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Профессional таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши, бўлажак мутахассисларни касбий-педагогик тайёрлаш муаммолари мамлакатимиз олимларидан Р.Х.Джураев, У.Н.Нишоналиев, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабаев, Д.Д.Шарипова, Х.Ф.Рашидов, Н.А.Муслимов, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Қ.Т.Олимов, О.Х.Тўрақулов, Ж.А.Ҳамидов, Д.О.Ҳимматалиев, Ҳ.Ш.Қодиров ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Компетенция ва компетентликни шакллантириш муаммолари Ўзбекистонда Н.А.Муслимов, М.Б.Уразова, И.Н.Ильхамова, К.Д.Рискулова, О.А.Қўйсинов, Н.Н.Каримова, Ж.Р.Турматов ва бошқалар илмий ишларида акс эттирилган.

Ўзбек халқ анъаналарининг ёшлар тарбиясидаги роли С.Т.Давлатова, И.Жабборов, И.Кувондиқов, М.М.Куранов, О.Мусурмонова, Н.Назаров, С.Отамуратов, Д.А. Фахретдинова каби олимлар ишларида ёритилган.

МДҲ давлатлари олимлари А.А.Вербицкий, Т.А.Жукова, О.А.Захарова, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя ва бошқалар тадқиқотлари таълимда компетентли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил, 26 март №ПҚ-5040 // <https://lex.uz/ru/docs/5344680>.

ёндашув муаммосига бағишланган бўлиб, ижтимоий-маданий воқеликнинг ўзгариши шароитида таълим мазмунини янгилаш вазифасини ҳал қилишга қаратилган.

Педагогикада ижтимоий-маданий ёндашув ғояси чет эл мамлакатлари педагогикасида ҳам тарқалган бўлиб, уни K.D.Baily, M.Canale, R.Dahrendorf, P.F.Druker, T.F.Gilbert, J.Raven, Ed. C.Short, M.Swain, F.W.Taylor каби олимлар ўрганган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ректорининг 2020 йил 30 июндаги № 20-3ⁿ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида ўқитиш ва ўқув амалиётини такомиллаштириш учун янги илмий-тадқиқот ва ўқув-амалий лабораторияларни яратиш” (2019-2021 йй.) академик инновациялар фонди грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ўзбек халқ анъаналари асосида талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тақиқотнинг вазифалари:

педагогик-психологик, тарихий, фалсафий илмий ишланмаларни ўрганиш орқали ижтимоий-маданий компетенцияни ташкил этувчи компонентлари мазмунини аниқлаш; ўзбек халқининг миллий анъаналари, халқ-амалий санъати намуналари (миллий матолар, зардўзлик санъати, миллий гобеленлар (сўзана, палак), гиламдўзлик, миллий либос ва заргарлик буюмлари)ни ўрганиш асосида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш механизмларини қиёсий таҳлил қилиш;

“Тарбиявий иш методикаси” ўқув фанини ўқитишнинг амалдаги методларини ўрганиш ва ўзбек халқининг миллий анъаналари, халқ-амалий санъати намуналарини таълим мазмунига сингдиришга қаратилган методларни таълим жараёнига киритиш;

бўлажак дизайнер-педагогларда ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантиришнинг тузилмавий-функционал модели таркибий қисмларини такомиллаштириш;

талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясининг ривожланиш даражаси диагностика мезонлари, кўрсаткичлари ва воситаларини ишлаб чиқиш, тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек халқ анъаналари асосида талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг шакл, усул ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида фалсафий, маданиятшуносликка оид, психологик, педагогик адабиётларни назарий таҳлил қилиш ҳамда шахсни ҳар томонлама ва уйғун ривожланиши муаммосига ёндашувлар, сиёсий-танқидий таҳлил, педагогик кузатиш,

социометрик усуллар (сухбат, анкета-сўров, тест, интервью), педагогик тажриба-синов, мониторинг усуллари, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ижтимоий-маданий компетенцияни ўзаро боғланган корреляцион компонентларини (ижтимоий-маданий хабардорлик, маънавий-ахлоқий бойитилганлик, ахлоқий етуклик) ривожлантиришнинг аксиологик, педагогик-психологик, дидактик омилларини белгилаш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш механизми аниқлаштирилган;

ўзбек халқининг миллий анъаналари, халқ-амалий санъати намуналари(миллий матолар, зардўзлик санъати, миллий гобеленлар (сўзана, палак), гиламдўзлик, миллий либос ва заргарлик буюмлари)ни ўрганиш методикаси “Тарбиявий иш методикаси” ўқув фанини ўқитишда “Jigsaw”, “ПОПС формула”, “world cafe”, “mind map” методларини қўллаш натижасида такомиллаштирилган;

бўлажак дизайнер-педагогларда ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантиришнинг тузилмавий-функционал модели таркибий қисмлари (мақсадли, мазмунли, методик, натижавий босқичлар) миллий ғурур, ўзини англаш, ватанпарварлик каби шахсий фазилатларини фаолиятда намоён этиш босқичларини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

ўзбек халқининг миллий анъаналари ва халқ-амалий санъатига асосланган ижтимоий-маданий компетенция даражасини аниқлашнинг диагностик аппарати баҳолашнинг кўп босқичли паст (танқидий), ўрта (адаптив), юқори (самарали) даражаларини қўллаш асосида оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

5111000 – Касбий таълим (5320900 – Енгил саноат буюмларини конструкциялаш ва технологияси (тикув буюмлари) мутахассислиги бўйича “Тарбиявий иш методикаси” ўқув фани учун “Талабаларни касбга тайёрлашда ўзбек халқ анъаналари асосида ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш” тажриба-синов курси дастури ва методик таъминоти ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

«Ўзбек халқ анъаналари асосида талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 12 июндаги № 002206-сон гувоҳномаси) ва «Ўзбекистон миллий декоратив-амалий санъати воситасида талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 12 июндаги № 002207-сон гувоҳномаси) методик қўлланмалар ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнига жорий қилинган;

талабалар ижтимоий-маданий компетенциясининг шаклланганлик даражасини баҳолаш бўйича диагностика материаллари ишлаб чиқилган ва ва олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнига жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотларни расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари натижаларининг асосланганлиги, уларнинг математик статистика усуллари воситасида тасдиқланганлиги, ишлаб чиқилган дидактик материаллар, хулосалар, таклиф ва тавсиялар ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касбий таълим назарияси ва методикасини ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар миллий ва маънавий кадриятлар билан бойитилганлиги, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ўзбек халқи анъаналари асосида ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш модели такомиллаштирилганлиги, олий таълим муассасаларида ўзбек халқи анъаналари асосида ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантиришнинг илмий ёндашувларни асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларни ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришга қаратилган ўқув-методик материаллари, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ўзбек халқининг миллий анъаналари ва халқ-амалий санъатини сингдириш методлари бўйича ишланмалар ва таълим технологиялари ишлаб чиқилганлиги, ташкилий тадбирларни ўтказиш методларини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ўзбек халқ анъаналари асосида талабаларни ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар:

бўлажак дизайнер-педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашда ижтимоий-маданий компетенцияни ўзаро боғланган компонентларини (ижтимоий-маданий хабардорлик, маънавий-ахлоқий бойитилганлик, ахлоқий етуклик) ривожлантиришнинг аксеологик, педагогик-психологик, дидактик омилларини белгилашга оид методик тавсиялардан “Олий ўқув юртларида ўқитиш ва ўқув амалиётини такомиллаштириш учун янги илмий-тадқиқот ва ўқув-амалий лабораторияларни яратиш” (2019-2021йй.) академик инновациялар фонди грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 январдаги № 89-03-110-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

“Тарбиявий иш методикаси” ўқув фанини ўқитишда “Jigsaw”, “ПОПС формула”, “world safe”, “mind map” методларини қўллаш

технологиялари “Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ўзбек халқ анъаналари асосида ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш” методик қўлланмаси мазмунига сингдирилган ҳамда 5111000 – Касбий таълим (5320900 – Енгил саноат буюмларини конструкциялаш ва технологияси (тикув буюмлари) таълим йўналишининг ўқув жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 январдаги № 89-03-110-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар тарбиявий иш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

“Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ўзбек халқ анъаналари асосида ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш” номли тажриба-синов курси бўйича ўқув дастури ҳамда курснинг “Ўзбекистон миллий халқ-амалий санъати асосида талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш” методик таъминоти ишлаб чиқилган ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Термиз давлат университети, Наманган муҳандислик-технология институтларининг педагогик амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 январдаги № 89-03-110-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар ўзбек халқи анъаналари асосида талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилган;

ёшларда миллий ғурур, ўзини англаш, ватанпарварлик каби шахсий фазилатларини фаолиятда намоён этиш босқичларини белгилашга оид таклифлари Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида татбиқ этилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2021 йил 14 июлдаги № 02/02-838 - сон далолатномаси). Натижада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамиятда соғлом дунёқарашни ва ижодий фикрлашни шакллантириш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 26 та илмий иш, шу жумладан, Интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномалари олинган 2 методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (шундан 6 та республика ва 4 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, саккиз параграф, хулоса, тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ўзбек халқ анъаналари асосида ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг назарий методологик асослари**» номли биринчи бобда ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантиришнинг моҳияти, педагогик жиҳати, талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожланишида халқ анъаналарининг ўрни, талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда ижтимоий-маданий компетенциясининг ўрни ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқот муаммосига доир илмий тадқиқотлар ва адабиётларнинг таҳлили келтирилган.

Тадқиқот давомида олий таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларни ўзбек халқининг анъаналарига асосланган ижтимоий-маданий компетенциясининг таркибий элементлари ўрганилди ва ривожлантирилиши зарур бўлган қуйидаги асосий компетенциялар тизими ишлаб чиқилди:

қадриятли-семантик компетенциялар - бу талабани ўзбек халқининг анъаналари орқали қадриятларни англаши, ўз атрофидаги муҳитни кўра ва тушуна билиши, унда ҳаракатлана олиши, ўзини ўрни ва аҳамиятини англай билиши, ўз ҳаракат ва муносабатлари учун мақсадли ва мазмунли кўрсатмаларни танлай билиши, тўғри қарор қабул қилиши;

умуммаданий компетенциялар - бу талабанинг қатор масалаларга нисбатан кенг қамровли маълумотга, билим ва фаолият тажрибасига эга бўлиши лозимлигидир. Бунга ўзбек миллий ва умуминсоний маданиятнинг хусусиятлари, инсон ҳаётининг маънавий-ахлоқий асослари, ўзбек халқининг оилавий, социал ва ижтимоий ҳодисалар ва анъаналарининг маданий асослари киради;

билим олиш компетенциялари - бу талабанинг мустақил билим олиш соҳасидаги, ўзбек халқининг анъаналари тўғрисида билимларни бевосита ҳаётдан ола билиши, ностандарт вазиятларда ҳаракат усулларига эга бўлиши компетенцияларнинг мажмуаси;

коммуникатив компетенциялар - бу коммуникатив фаолият соҳасидаги компетенциялар тўплами. Улар ўзбек халқининг анъаналарини ҳисобга олган ҳолда атрофдаги инсонлар билан ўзаро мулоқот усулларини, гуруҳда ишлаш кўникмаларини шакллантиришни ўз ичига олади;

шахсий ўзини-ўзи ривожлантириш компетенциялари - бу жисмоний, маънавий ва интеллектуал ўзини-ўзи ривожлантириш, ҳиссий ўзини-ўзи

бошқариш ва ўзини ўзи қўллаб-қувватлашга қаратилган компетенциялар тўплами.

Мазкур компетенциялар тизими талабаларнинг мулоқот кўникмаларини эгаллаш, жамиятда мавжуд бўлган урф-одатлар, анъаналар, меъёрлар, стандартлар, хулқ-атвор қоидалари ва ижтимоий ролларни ўзлаштириш орқали ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришга қаратилган.

Ижтимоий-маданий компетенциянинг мазмун моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қуйидаги муаллифлик таърифи келтирилди: ижтимоий компетенция-жамиятда талабаларнинг ўзини тўғри тутиши ва унинг ижтимоийлашувида хисса қўшиши; маданий компетенция – ўзбек халқи маданиятини талаба томонидан чуқур ўзлаштирилиши; талабаларнинг ўзбек халқининг анъаналарига асосланган ижтимоий-маданий компетенцияси – талабанинг ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, халқ амалий санъатига хос бўлган қадриятли-семантик қарашларни шакллантириш.

Талабаларда ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш мақсадида шакллантирилиши керак бўлган устувор шахсий компонентлар аниқланган бўлиб, уларни таснифланиши бўлажак мутахассиснинг ижтимоий-маданий компетенцияси мазмунини қуйидаги учта устувор компонентлар тўплами сифатида намоён қилиниши мумкин: ижтимоий-маданий хабардорлик, маънавий-ахлоқий бойитилганлик, ахлоқий етуклик (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбек халқи анъаналари асосидаги талабалар ижтимоий-маданий компетенциясининг мазмун-моҳияти

Ижтимоий-маданий хабардорлик	Маънавий-ахлоқий бойитилганлик	Ахлоқий етуклик
Мазкур компонент шахс онгини ривожланганлик даражаси, уни ўзбек миллий ва бошқа маданиятлар анъаналарини ўзлаштиришда когнитив фаолиятга юқори даражали мотивацияси шаклланганлиги, бунинг натижасида шахсий фазилатлар, рефлексия, ўз фаолиятини прогнозлаш қобилияти, ўзбек халқ анъаналари орқали ижтимоий муҳитга мослашиш, ижтимоий-маданий ўзаро таъсирга киришиш қобилиятига эга эканлиги билан белгиланади.	Мазкур компонент шахснинг ўзбек халқ анъаналарига (катталарга ҳурмат, меҳнатсевралик, яқинлар ҳақида қайғуриш) ва ўзбек миллий маданиятининг қадриятлари – маънавий ахлоқий ва эстетик идеаллар (тил, анъаналар, урф-одатлар, фольклор, бадий санъат ва ҳунармандчилик, маданият ва санъат асарлари) га нисбатан қадриятларни ва маъноларни идрок қилишининг йўналганлик даражаси билан белгиланади.	Мазкур компонент ҳалоллик, виждонлилик, содиқлик, сўзининг устидан чиқиш, ахлоқ ва этика меъёрлари ва тамойилларига риоя қилиш, шунингдек масъулият ҳисси ва ўзини ўзи танқид қила олиш, онглилик, интизомлилик, ўзбек жамиятининг маънавий негизларини ҳурмат қилиш ва эъозлаш, уларга риоя қилиш каби шахсий фазилатларнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртлари талабага ўзбек ижтимоий-маданий маконига компетентли ва ижодкор вакил сифатида фаоллик билан “кириб келиш” имкониятини яратиши керак. Шу билан бирга, ўзбек халқининг замонавий маданият маконга кираётган шахсининг, бўлажак мутахассис сифатидаги компетентлик даражаси бир томондан, мутахассиснинг касбий тайёргарлиги даражаси билан таъминланса, иккинчи томондан эса, шахсининг ижтимоий-маданий даражасини ривожланиши билан белгиланади.

Мутахассисларни тайёрлашнинг ҳозирги босқичида олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий натижаси сифатида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш тизимининг ўзи етарли эмас, бунда талабаларнинг келгуси касбий фаолиятида таянч компетенциялар мажмуаси, шу жумладан, ижтимоий-маданий компетенцияси ҳам зарур бўлиб, бу олий таълим муассасаси битирувчисида универсал ва касбий компетенциялар, “юмшоқ кўникмалар”ни мавжудлигини англатади. Бу талабанинг профессионал муҳитга муваффақиятли кириб келишини, адаптация жараёнининг осон кечиши ва бўлажак мутахассиснинг профессионаллик сари фаол олдинга юришини таъминлайди.

Профессионал таълимда компетенциявий ёндашувдан фойдаланишнинг муҳимлиги ва долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, уни амалга ошириш учун давлат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шу жумладан, Давлат таълим стандартлари, республика олий таълим тизимини модернизация қилиш Концепцияси ва бошқа қонун актлари асосида таъминланиши керак. Таълим жараёнида компетентли ёндашувга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Диссертациянинг «**Ўзбек халқ анъаналаридан фойдаланишнинг методик ёндашувлари талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш воситаси сифатида**» деб номланган иккинчи бобида глобаллашув ва маданиятлараро коммуникация шароитида талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш муаммолари, ўзбек халқ анъаналари асосида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш модели мазмуни, “Тарбиявий иш методикаси” фанини ўқитиш жараёнида талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш методикаси келтирилган.

Глобаллашув шароитида агар талабаларнинг ижтимоий-маданий ривожлантириш жараёни уларнинг шахсий қизиқишлари, талабаларнинг субъектив фикрига асосланган ҳолда ижтимоий ишларга йўналтирилганлиги ва турли ижтимоий-маданий, маданий-ҳордиқ фаолиятида ихтиёрий иштироки асосида ташкил қилинса ва бу масалада хорижий тажриба ютуқларидан кенг фойдаланилса, маданий ва таълим маконида талаба ёшларни ижтимоий-маданий ривожлантириш муваффақиятли бўлади.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида айтиш мумкинки, кўплаб маданий жараёнлар ва ҳодисалар бутун жаҳон глобал характерга эга бўлиб бормоқда ва улар маданиятлараро диалог, таълим дастурларни амалга


ошириш, миллий маданиятни бойитиш ва ўз навбатида миллий маданиятни инсоният маданиятига ҳиссасини қўшиш учун имконият яратади.

Бу соҳада жиддий зиддиятлар ҳам юзага келмоқда, улар оммавий маданият таъсирини ортиши ва уни кенг тарқалиши, маънавий ва ахлоқий онг инқирозини келтириб чиқариб маънавий-маърифий ишлар тизимини янада такомиллаштиришнинг долзарблигини кучайтирмоқда. Ўз навбатида, мазкур муаммолар таълим жараёнида бўлажак дизайнер-педагогларда ўзбек халқ анъаналари асосида ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш заруриятини туғдиради.

Юқорида айтилганлар контекстида биз талабаларнинг ижтимоий-маданий компетентциясини ривожлантириш учун мотивацион-қадриятли, когнитив, фаолиятли ва рефлексив-баҳоловчи компонентлар, уларнинг ўзаро боғлиқлик ва ўзаро боғлиқликдаги элементларини ўз ичига олган “Ўзбек халқ анъаналари асосида талабаларнинг ижтимоий маданий компетенциясини ривожлантириш модел”и ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).

Моделнинг мотивацион-қадриятли компоненти муваффақиятли ижодий фаолиятнинг асосий омилларидан бири бўлиб, талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенцияларини эгаллашга бўлган ижобий муносабатини ривожлантиришга, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик соҳасида янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга қатъий қизиқишини шакллантиришга қаратилган. Когнитив компонентнинг таркибий қисми ижтимоий-маданий билимлар тизимини тўплаш ва ижтимоий-маданий маълумотларни тушуниб етишни ўз ичига олади. Когнитив компонент асосида ўзбек маданияти, халқ анъаналари ва амалий санъати тўғрисидаги билимлар синтези ётади. Моделнинг фаолиятли компоненти талабаларнинг касбий фаолиятда ўзбек халқининг анъаналарига асосланган ижтимоий-маданий характерига эга бўлган билимлардан фойдаланиш қобилиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ўз ичига олган. Рефлексив-баҳоловчи компонент талабаларда ўзбек халқининг анъаналарига асосланган ижтимоий-маданий билимлар ва қадриятларни интеллектуал идрок этишга ҳисса қўшадиган ривожланган рефлексив кўникмалар тажрибасига эга бўлишини англатади. Ишлаб чиқилган модел талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда ўқув жараёни учун асосий ёндашувлар ва тамойилларни аниқлашга имкон берди.

Ўзбек халқининг анъаналарига асосланган талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг ушбу модели тўрт босқичдан иборат: мақсадли, мазмунли, методик ва натижавий. Мақсадли босқичга ижтимоий буюртма, моделизмнинг мақсади ва вазифалари киради. Мазмунли босқич методологик асос, ижтимоий-маданий компетенциянинг тузилиши, тамойиллар ва функциялардан иборат. Методик босқич педагогик шарт-шароитлар, технологиялар, ўқитиш методлари ва шаклларида иборат. Натижавий босқич талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг баҳолаш мезонлари ва даражаларидан иборат.



1-Расм. Ўзбек халқ анъаналари асосида талабаларнинг ижтимоий маданий компетенциясини ривожлантириш модели

Моделни амалга ошириш жараёнида қуйидаги методлар қўлланилди: World Café (Жаҳон кафеси) – маълумот тўплаш, қизғин мунозаралар орқали талабаларнинг ўзаро фикр алмашиш, рефлексив-баҳоловчи ва когнитив компонентларнинг ривожланишига ҳисса қўшишга асосланган метод; Mind

тар (Ақлий харита) – фаолиятли ва когнитив таркибий қисмларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳисса қўшадиган фикрлаш жараёнини график ва визуал шаклда намоиш этишга асосланган метод; Jigsaw (Джигсо Методи) – талабаларнинг бир-бирига позитив боғлиқлигини таъминлайдиган гуруҳда ишлаш методи талабаларда масъулият ва жамоада ишлашни шакллантиради, Jigsaw (Джигсо Методи) рефлексив-баҳоловчи ва когнитив компонентларни ривожланишига ҳисса қўшган; Case Study (кейс метод), мотивацион-қадриятли, когнитив таркибий қисмларнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган, аниқ муаммолар ёки ҳолатлар (ишлар)ни тушуниш, танқидий таҳлил қилиш ва ҳал қилишга қаратилган муаммоли ўрганишни таъминловчи компонент бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга, “ПОПС формуласи”дан фойдаланилди – интерактив услубий техника, талабаларни билимларни сифатини индивидуал назорат қилиш воситаси, талабаларнинг рефлексиясига қаратилган бўлиб, қайта алоқани (feedback) таъминлайди ва ижтимоий-маданий компетенциянинг рефлексив-баҳоловчи компонентни ривожланишига ҳисса қўшди. Танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиясининг доирасида Venn diagram (Венн диаграммаси) ишлатилган бўлиб, у икки ёки ундан ортиқ тушунчаларни, ҳодисаларни таққослашда қўлланилиб, фаолиятли ва мотивацион-қадриятли компонентларни ривожланишига ҳисса қўшган график метод. Муаммоли маъруза – маълумотни муайян муаммо бўйича баён қилиш, талабаларда ўзини ўзи таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш, танқидий фикрлаш, билиш малакалари ва мустақил равишда қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, мотивацион-қадриятли ва когнитив компонентларни ривожлантиришга ҳисса қўшган.

Бу методларни амалга ошириш тажриба курси доирасида ўқув жараёнига замонавий педагогик ёндашувларни жорий этиш орқали амалга оширилди, бундан мақсад ўзбек халқининг урф-одатлари ва безак ҳамда амалий санъатини келгуси касбий фаолиятида қўллаш билим ва кўникмаларини шакллантириш саналади (миллий матолар, зардўзлик, миллий гобелен (сўзана, палак), гиламчилик, миллий костюм ва заргарлик).

Диссертациянинг «Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ўзбек халқ анъаналари асосида ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари» деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш, уни амалга ошириш босқичлари, тажриба-синов тадқиқоти натижаларини таҳлил қилиш ва математик-статистик метод воситасида қайта ишлаш масалалари кўриб чиқилган, педагогик тажриба-синовнинг таҳлилий натижалари тақдим қилинган.


Тажриба-синов ишлари 2018-2020 йилларда “Тарбиявий иш методикаси” умумкасбий фанининг модуллари асосида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Термиз давлат университети, Наманган муҳандислик-технология институтида ўтказилди. Тажриба – синов ишларида 5111000 – Касбий таълим (5320900 – Енгил саноат буюмларини конструкциялаш ва технологияси (тикув буюмлари) таълим йўналишининг жами 263 нафар

талабалари қатнашди.


Тажриба-синов гуруҳида таълим жараёни муаллиф томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек халқ анъаналари асосида талабаларда ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантириш» ва «Ўзбекистон миллий декоратив-амалий санъати воситасида талабаларда ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантириш» методик таъминотидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида талабалар ижтимоий-маданий компетенцияси даражасини аниқлаш мезонлари шакллантирилди. Ривожлантирувчи методикалар асосида талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш жараёни самарадорлигини мазкур мезонларнинг самарадорлик кўрсаткичлари “юқори” (продуктив), “ўрта” (мослашувчи) ва “паст” (критик) даражалар бўйича баҳоланди. Бунда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясининг ривожланганлик даражаси мотивацион-қадриятли, когнитив, фаолиятли ва рефлексив-баҳоловчи каби мезонлар асосида баҳоланди (2-жадвал). Назорат гуруҳларида дарслар анъанавий тарзда олиб борилди.

Назорат (НГ) ва тажриба гуруҳларида (ТГ) ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларида тажриба олдидан талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясининг ривожланиш даражаларида фарқ респондентларда деярли бўлмаган бўлса, тажрибанинг шакллантириш босқичидан сўнг ишлаб чиқилган дастур бўйича ўқиётган тажриба гуруҳларнинг талабаларининг ижтимоий-маданий компетенция даражаси юқори бўлиб чиқди. Тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларида ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантириш бўйича умумий натижалар куйидаги 3-жадвалда, ва унинг график ифодаси 2-расмда келтирилган.



1-расм. Тажриба бошида



2-расм. Тажриба охирида

2-расм. Педагогик тажриба-синов давомида ўзбек халқ анъаналари асосида талабаларда ижтимоий-маданий компетенцияни ривожланганлик даражаси гистограммаси

Талабалар ижтимоий-маданий компетенциясининг ривожланганлик мезонлари (даражалари)

Мотивацион-кадриятли	Когнитив	Фаолиятли	Рефлексив-баҳоловчи
Ижтимоий-маданий компетенциянинг даражаси: паст (критик)			
Ўзбек халқ анъаналари, уларнинг жамият ва ўзининг ўзини рўёбга чиқариш учун аҳамияти шахс томонидан қабул қилинмайди. Ўзбек халқининг миллий-маданий анъаналари асосида ўзини ўзи камол топтиришга доимий эҳтиёж ривожланмаган.	Ўзбек халқ анъаналари ҳақидаги билимлари паст даражада. Минтақавий миллий газламалар, зардўзлик санъати, миллий гобеленлар (сўзана, палак), гиламдўзлик, миллий либослар, заргарлик буюмлари ҳақида тасавурлари суст.	Ўзбек халқ анъаналари ҳақидаги билимларини амалиётда амалга ошириш қобилияти паст даражада. Ўзбек декоратив-амалий санъати, этнографик ўзига хослик ҳақидаги билимларни амалга оширишда пассивлик намоён қилади.	Талабаларнинг ўзбек халқининг урф-одатлари тўғрисида маълумот олиш ва таҳлил қилишга бўлган қизиқиши ва қобилияти кам ривожланган. Ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятининг пастлигини намоён этиш.
Ўрта (мослашувчи)			
